

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 170 (4161).
28
АВГУСТ
ПАЙШАНБА
1969 ИЙЛ
Баҳоси 2 тийин

ПАРВАРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ

Бригаданимиз аъзолари бу йил 126 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар.

Дастлабки натижаларимиз ёмон эмас. Ғузларимизда мўлжалдаги ҳосил яшиб етилмоқда.

Айниқса, механизатор-звено бошлиқларимиздан Турғун Зуфаров, Абдували Тожибоев ҳамда Юсуп Анорбоев каби ўртоқларимиз ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётirlар. Улар ғузани қўлтиривадил қилишни ҳали ҳам давом эттиришпти.

Ҳамма майдондаги ғузларимизни машина теримида мўлжаллаб, чеканини қисқа муддатда тугалладилар.

Ғуза парваришни қизгин давом эттириладиган шу кунларда пахта теримида ҳам қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Механизатор-звено бошлиқларимиз қўлтиривадил буш вақтларидан ғуза «зағори кема»ларини мавсумга шайлашпти.

М. МУШХОЛОВ,
Ўрта Чирчиқ районидagi Ленин номи колхозининг бригада бошлиғи.



ҒУЗА парваришини пахта терим бошлангунча давом эттиришга аҳд қилган Ёзуа районидagi Свердлов номи колхозининг азамат пахтакорлари ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишпти. Улар шу кунларда ҳам ғуза пайкалларини сугориш билан бир вақтда айрим майдонлардаги бегона ўтларни тозалашпти. Хўналининг қатор бригада ва звенолари каби Сулейбой Шоймасов бошлиқ звено аъзолари ҳам ғайрат кўриштиб, меҳнат қилишмоқда. Уларнинг бу йилги аҳдлари гектардан 35 центнердан ҳосил кўтаришга наратилган. Суратда: звено бошлиғи С. Шоймасов.

Область халқ контроли комитетида

Янги ҳосилни қабул қилишга шайланинг

Областимиз меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йили, да она-Ватан хирмонига 356 минг тонна «оқ олтин» уйиб, дохил В. И. Ленин тутилган кўннинг шонли 100 йиллиғини ёруғ юз билан кўтиб олишга бел боғлаганлар.

Бугунги меҳнат юксак мажбуриятга яраша бўлган. Азамат пахтакорларимизнинг зўр ғайрат ва шижоати билан беш йил даладарда мўл ҳосил етиштирилди. Ғуза шохларига мушқоқдек терилган шода-шода кўсақлар ҳадемай етилиб, лўт-ли «оқ олтин»га айланди. Янги терим мавсуми бошланганидан дамлар тобора яқинлашиб келяпти.

Хўш, қабул пунктлари, пахта заводлари янги мавсум ҳосилни қабул қилиб олишга шайми?

Заводда ремонт ишлари ўз вақтида тугалланмаган. 20 августга фақат тўрттагина заводда ремонт ишлари тамомланганлиги маълум бўлди. Пискент ва Оққўрғон пахта заводлари эса 5 сентябрга бориб ишга туширилади.

График бўйича мавжуд 37 куришти-тозалаш цехларидан 26 таси 15 августга тўла ремонтдан чиқарилиши лозим. Лекин айрим раҳбарларнинг беғамлиги ва ишнинг нотўғри уюштирилганлиги натижасида яқиндагина цех ремонтдан чиқарилди, ҳоло.

Бўша, Пискент, Тошкент пахта заводларида ремонт муддати айниқса қўзилиб кетмоқда. Ҳозиргача Тошкент пахта заводидagi куришти-тозалаш цехларининг 25—30 процентигина тўла ремонтдан чиқарилди. Бўша пахта тозалаш заводиди эса ремонт ишларига август ойининг иккинчи ярмидан киришди. Пискент пахта заводиди, Қорғўйдаги тайёрлов пунктда ЗСБС маркали янги барабанлар монтаж қилиниши лозим бўлгани ҳолда ҳали бу ишга киришилгани йўқ.

Областимиз тайёрлов пунктларида механизация воситалари ремонтини ҳам низолатда сустан килан борапти. Мавжуд 60 та бункларга ажратилган атиги 27 таси, 151 вентилятордан эса 76 таси ремонтдан чиқаришган. Механизм воситалари ремонтини айниқса Бўша пахта заводиди секин борапти. Янги йўл

Мавжуд текширув якувлари област халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган йилигида кенг муҳокама қилинди. Капитал ремонт графининг муттасил бўлиб келаётганлиги учун Бўша пахта заводиди директор Гусевга ва Пискент пахта заводи директор Додаметовларга виговор эълон қилинди. Улар зиммасига тайёрлов пунктларини 1 сентябргача, куришти-тозалаш цехларини 10 сентябргача тўла ремонтдан чиқариш ва мавсумга шайлаш юклатилди.

«Ташзаготхознактрест» раҳбарларига барча тайёрлов пунктларидаги аҳолини қўзда кечириб чиқиш ва тегишли чораталбирлар белгилаш топширилди.

СУТ СОГУВЧИЛАР КЕНГАШИ

Фрунзе номи колхозининг дала шийонида колхоз ва совхозлар сут соғувчиларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда Бўстонлиқ район партия номиетининг биринчи секретари ўртоқ П. Юсупов «Сут етиштиришнинг аҳоли ва соғувчиларнинг вазибалари» ҳақида гапириб берди.

14-совхозининг соғувчиси коммунист Соия Исмоилова кенгашда ўз тажрибаси билан ўртоқлашди. У ҳозиргача ўзига бириктиб берилган 19 бош ситрдан 1400 килограммдан ошириб сут олган.

Кенгашда «Қизил ту» колхозидан Райхон Нарўзова, Фрунзе номи колхоздан Усун Абдураимова, Карл Маркс номи колхоздан Гулбон Муцакулова каби пешадам соғувчилар ҳам сут бўғонини кўпайтиришнинг роляси ва имкониятларини бирма-бир айтиб бердилар.

Кенгаш катташчилари районда далавта сут сотиш бўйича олинган социалистик мажбуриятини декабрь ойи бошида бажаришга аҳд қилишди.

А. РАХИМБЕРДИЕВ,
Бўстонлиқ району.



КАНОП ЎРИШ А В Ж И Д А

Юкори Чирчиқ районидagi «Правда» колхозининг оқилкор деҳқонлари канопдан мўл ҳосил етиштиришди. Канопни лубга акратиб процессини механизациялаштириш, социалистик мусобақа, звено системаси, юкори ҳосилли «Кубанский-333» нагини оқил билан улар юксак кўрсаткичга эришмоқдалар.

Вегетация муддатларида илгорларнинг ташаббускор тажрибаси пайкаллардаги каноп экинни парваришга тadbир этилди. Ўрта баҳордаги об-ҳаво инкиқлиғи натижасида бироз кеч экилган каноп илголларига прогрессив агротехник тadbирларни қўлаш, айрим усилдан оқда қолган пайкаллардаги канопзорларда қўшимча парвариш ўтказиб, кўлаб ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишди. Илди чирши ва сўлиш касаллиғига қарши профилактик тadbирлар қўлланилди.

Пояни лубга акратиб жарайни «ЛС» ёрдамида илгойиб ҳал қилинмоқда. Сифатли тайёрланган майдонларга экилган уруғ ерининг ўз намага бир текис униб чиқди. Лубкор деҳқонлар уни икки марта оқилантиришди. Олти марта сугориб, қўлтиривадил қилишди. Муҳим агротехник тadbир бўлган ўримдан олдин сугориш бир ҳафта бурун ўтказилди. Икки қаторлаб экилган каноп бўйдор, толаси сифатли ва узун бўлиб етишди. Бўйи 2,25-2,5 метрдан ортиқ кетмоқда.

Колхозининг 19 та канопчилик бригадасида иш қизгин. Қайси бригадига борманг ўрим авжида. Айниқса Н. Фатхутдинов, У. Утепов, А. Сон бошлиқ бригадаларда иш жадаллаштирилмоқда. Лубкорлар «ЛС» агрегати билан юкори меҳнат унумдорлиғига эришилди. Ишчи кучи кам сарфлашпти. Бир агрегатининг тинимсиз ишлаши

ЛУБОКОР хўналиқларимизда айни кунларда каноп ўриш ва уни қайта ишлаш тadbирлари қизгин тус олиб кетди. Ўрта Чирчиқ районидagi «Поларная звезда» колхозини даладариди ҳам 25 та «ЛС» агрегати бетиним ишлашмоқда. Бу хўналиқдаги Ёргаш Мўйинов бошлиқ бригада аъзолари каноп ўримини биринчилар қаторида бошлашди. Улар гектаридан пландаги 120 ўрнига 160 центнердан ошди. Риб ҳосил йиғиштириб олишга эришмоқдалар. Суратларда: бригада бошлиғи Ёргаш Мўйинов (юкорида) ҳамда механизатор-звено бошлиғи Али хўна Абдуваҳобов (пастда) ўртоқлар

В. ЛИТВИНОВ фотолари.

ХАРИДОР ДИДИГА МОС

3-тикувчилик фабрикаси хилма-хил, бежирим ва сифатли маҳсулотлари республикамизда шуҳрат қозониб кетмоқда. Фабриканиннг инженер-техник ходимлари ва ишчи-хизматчилари беш йиллик топиришлари, рини муддатидан илгари бажариш учун пойтахт корхоналари ўртасида бораётган мусобақага қўшилдилар. Фабрикада маҳсулотнинг барча турлари бўйича квартал ва йиллик ишлаб чиқариш планлари муттасил ошириб бажариб келиништи. Утган йил эса коллектив пойтахт саноат корхоналари ўртасидаги мусобақада голлиб чиқиди.

Аҳил коллектив бу йил янада узкан зафарлар сари натижасида. Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари — 1969 йил 20 декабргача бажариб, йил охиригача пландан ташқари 27 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва 280 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 12 минг квадрат метр газлама материалларини текзаб қилишни кўзда тутганлар. Йил охиригача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига қараганда тўрт процент, маҳсулот реализация қилиш уч процент ҳамада меҳнат унумдорлиғини икки процент оширилади. 36 та иштироқчилик таклифини жорий этилиб, илйим-кечакларининг 75 та янги модели, иккита қомплекс механизациялашган поток линияси ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Бу мажбуриятини бажариш йўлида корхона аҳли натижаларга эришмоқда. Олти ойлик план муддатидан анча олдин 102,4 процент қилиб адо этилди. Текзаб қилинган 5762 квадрат метр газламадан 3200 та қўйлак, халат, фартук, сарафан ва қиз болаларнинг мактаб формалари тикилди.

Фабрикада рационализатор

лар ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда.

— Утган йили, — дейди фабриканиннг рационализаторлик ва иштироқчилик бюросининг катта инженери Э. Меликситова, — 36 та таклифининг 32 тасини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, 6159 сўм фойда олди. Бу йил рационализаторларимиздан 50 та яқин таклиф тушди. Бунинг кўли ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Мехнаткашларининг дид ва талабаларига мос кийим-кечакларини ишлаб чиқаришда фабриканиннг айниқса К. Балова ва Н. Зелиндин ўртоқлар бошчилиқ қилаётган цехларининг коллективлари ғайрат қилишпти. Фабрикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг барча турлари асосан шу цехларда тайёрланади. Бу илгор цехларда асосан комсомол-ёшлар ишлади.

Умуман, корхонадаги 20 бригаддан 8 таси коммунист

тик меҳнат бригадасидир. Маълумки, костромалик йиғирувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Плетнева юбилей шарафига шахсий совга тайёрлаш ташаббусини бошлаган эди. В. Плетнева издан бораётган А. Зарипова, Ф. Соликова, Л. Блохина, А. Заварова, Т. Абдуллаева, Р. Насриддинова каби илгорлар беш йиллик план топириқларини муваффақият бил бажариб, ҳозир 1971 йил ҳисобига ишламоқдалар.

Коллектив ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш юзасидан ҳам бир қатор тadbирларни амалга оширмоқда. Ҳозир фабрикада «Шуберт» маркали янги машина ишга туширилган. Корхонанинг Эҳтида эса янги поток агрегати ишламоқда.

Меҳнатсевар коллектив қўлга киритаётган бу ютуқлар билан киёфланмапти. Ғайрат ва шижоаткорлик давом этмоқда.

О. ТУРСУНОВ.

ШУ кунларда областимиз хўжа дикларида чорвачиликнинг озуқа базаси бўлган силос бостириш ишлари қизгин олиб боришмоқда. Бекобод районидagi Ленин номи колхозининг 2-бригадаси даладарига экилган 25 гектар маккажўхори майдонидан пландаги 250 ўрнига 400 центнердан кўкюя йиғиштириб силос бостирилмоқда. Суратда: маккажўхори ўриш пайти.

Х. Шодиев фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЕРЛАШ ВА СИЛОС БОСТИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1969 ЙИЛ 27 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — дағал хашак жамғариш планининг бажарилиш проценти; учинчи стун — силос бостириш мажбуриятининг бажарилиш проценти;

Юкори Чирчиқ	92,2	86,1	Калинин	73,8	41,3
Бўша	84,2	49,3	Оққўрғон	72,3	77,1
Оржомкидзее	83,2	27,8	Бекобод	70,0	43,4
Ўрта Чирчиқ	83,0	28,5	Бўстонлиқ	69,3	4,1
Янгийўл	74,1	56,5	Область бўйича	78,7	50,4

Б. АЗИЗОВ.

СИЛОС БОСИМИ — СУТ ОҚИМИ



